

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

8      ноябрь      2017    й.г.

№ 896

Тошкент ш. – г. Ташкент

**2018 йил ҳосили учун шудгорлаш ишларини зарур тарзда  
ташкил этиш ва ўтказиш комплекс чора-тадбирлари тўғрисида**

Шудгорлаш ишлари ўз вақтида ва сифатли ўтказилишини таъминлаш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш, 2018 йилнинг кафолатланган ҳосили учун зарур ҳамда кулагай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзагросервис" акциядорлик жамиятининг 2018 йил ҳосили учун шудгорлаш ҳажми ва муддатлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган таклифи иловага\* мувофиқ қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва туманларнинг ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда "Ўзагросервис" акциядорлик жамияти раҳбарлари зиммасига қўйидагилар юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин:

техника таъмирланишини ниҳоясига етказиш, машина-трактор парклари ва фермер хўжаликларининг буюртманомалари бўйича ҳайдов агрегатлари учун эҳтиёт қисмларни тайёрлаш ва етказиб бериш ҳамда 2017 йил 10 ноябрдан кечиктирмай барча жойларда шудгорлашни бошлиш:

тасдикланган агротехнология нормаларига мувофиқ шудгорлашнинг зарур чукурлиги ва бир текислигига, минерал ва органик ўғитлар солинишига алоҳида эътиборни каратган ҳолда шудгорлаш сифатини таъминлаш.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан биргалиқда шудгорлаш ишларининг ушбу қарорга иловада назарда тутилган ҳажм ва муддатларда олиб борилиши устидан доимий назорат ўрнатсин. Ҳисоботни бузуб кўрсатиш ва бошка қоидабузарлик фактлари аниқланган ҳолларда айбдор шахсларга нисбатан конун хужжатларида белгиланган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзагросервис" акциядорлик жамияти ҳамда "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик жамияти билан биргалиқда куйидагиларни таъминласин:

уч кун муддатда шудгорлашнинг бориши ва сифатини назорат қилувчи худудий комиссиялар тузиш ва уларга шудгорлаш ишларини олиб борища ҳар бир туман бўйича хўжаликлар ва машина-трактор паркларининг алоҳида ўрнак кўрсатган ходимларига биринчи, иккинчи ва учинчи ўринлар учун рагбатлантирувчи мукофотлар жорий этиш хукуқини бериш;

бир ҳафта муддатда, ер ресурсларидан янада самарали фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда, туманлар ва хўжаликлар бўйича шудгорлашни ўтказиш жадвалларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

техника ва устахоналарнинг икки сменада тўлақонли ишлашини ташкил килиш, шудгорлаш ишларида қатнашаётган механизатор хамда операторларга майший ва бошқа зарур шарт-шароитларнинг бутун комплексини яратиш;

шудгорлаш ишларини ўтказиш учун ҳайдов тракторлари ва кўчма таъмирлаш устахоналарини жалб этиш бўйича минтақаларда жойлашган саноат, қурилиш ташкилотлари ва бошқа тегишли ташкилотлар билан белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

фермер хўжаликлари ва машина-трактор парклари буюртманомаларига асосан эҳтиёт қисмларни етказиб бериш, шунингдек, кўчма таъмирлаш устахоналарининг узлуксиз ишлашини таъминлаш.

4. "Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти "Ўзагрокимёҳимоя" акциядорлик жамияти шудгорлаш ишларини ўтказиш даврида минерал ўғитлар белгиланган тартибда солинишини таъминлайдиган муддатларда республиканинг барча минтақаларига ўғитлар тузилган шартномаларга мувофиқ бир маромда етказиб берилишини таъминласинлар.

5. "Ўзнефтмаҳсулот" акциядорлик компанияси ёнилғи-мойлаш материалларининг зарур захирасини яратсин ҳамда уларни шудгорлашда иштирок этувчи машина-трактор парклари, қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа ташкилотларга белгиланган тартибда узлуксиз етказиб берилишини ташкил қилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири З.Т.Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Н.С.Отажонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

\*Илова рус тилидаги матнда берилган.